

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСАЕВ ИЛШОД СУЛТАНОВИЧ

**БИР ЁШДАГИ БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ, ТУРМУШ ТАРЗИ
ВА УЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲОЛАТИНИ
КОМПЛЕКС ИНТЕГРАЛ БАҲОЛАШ**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Исаев Илшод Султанович

Бир ёшдаги болалар саломатлигини, турмуш тарзи ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини комплекс интеграл баҳолаш 3

Исаев Илшод Султанович

Комплексная интегрированная оценка состояния здоровья, образа жизни и медицинского обслуживания детей первого года жизни 22

Isaev Ilshod Sultanovich

Comprehensive and integrated assessment of the state of health, lifestyle and medical care of one-year-old children 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСАЕВ ИЛШОД СУЛТАНОВИЧ

**БИР ЁШДАГИ БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ, ТУРМУШ ТАРЗИ
ВА УЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲОЛАТИНИ
КОМПЛЕКС ИНТЕГРАЛ БАҲОЛАШ**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib586 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashpmi.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Искандарова Шахноза Тулкиновна тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Ашурова Дилфуза Ташпулатовна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Шамсиев Фуркат Мухитдинович тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Ибрагимов Азиз Юлдашевич тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг кичик зали. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz)

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н.Хайтов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И.Ахмедова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда чақалоқлар орасида уларнинг туғруқдан кейинги мослашув даврини издан чиқарувчи омиллар сони ошиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...бир ёшгача бўлган болалар касалланишининг 39,8% перинатал даврда юзага чиқадиган ҳолатлар сабабли ривожланади ва болалар ўлимига энг кўп сабаб бўлувчи омиллардан бири ҳисобланади. 2010 йилда қарийб 115 миллион боланинг вазни кам, 55 миллион нафарининг бўйига нисбатан вазни кам ва беш ёшгача бўлган 171 миллион нафар боланинг бўй ўсиш кўрсаткичлари паст бўлган. 2010 йилда ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда 43 миллион нафар мактабгача ёшдаги болалар ортиқча вазнга эга ёки семизликдан азият чекиши аниқланган»¹. Баъзи муаллифлар томонидан берилган маълумотларга кўра «...дунёда 5 ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичи ҳар 1000 та туғилишга 43 тани ташкил қилмоқда. Бошқа ёшдаги болалар билан таққослаганда, ҳаётнинг биринчи йилидаги болалар касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг нисбатан юқори даражаси билан ажралиб туради ва бу ёшда жисмоний ривожланишнинг энг юқори кўрсаткичлари қайд этилмоқда»². Бир ёшгача бўлган болаларда касалланишнинг юқорилиги тўлиқ ва ишончли статистик маълумотларга таянган, мақсадли илмий асосланган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда бир ёшдаги болалар саломатлиги, турмуш тарзи ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини комплекс интеграл баҳолаш ҳамда самарали даволашни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Болалар яшаш шароитларини яхшилаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш орқали бир ёшдаги болалар соғлиғи ҳолатига таъсир кўрсатиш, уларда касалликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар механизмини яратиш, касаллик асоратларини камайтириш ва бартараф этувчи замонавий усулларни ишлаб чиқишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу борада касаллик омилларини аниқлаш, жисмоний ривожланиш, касалланиш, ўлим, оила шароитлари ва турмуш тарзининг таъсири, болалар ҳаёти давомийлиги ва сифатини яхшиловчи турли профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, жисмоний ривожланиш стандартларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва турларини сезиларли кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий

¹Документационный центр ВОЗ.- 2010. http://www.who.int/nutrition/media_page/backgrounders_1_rus.pdf

²de Onis M, Bloessner M, Borghi E. Global prevalence and trends of overweight and obesity among preschool children. The American Journal of Clinical Nutrition 2010; 92:1257–64.

этиш»³га қаратилган муҳим вазифалар қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, бир ёшгача бўлган болалар саломатлиги, турмуш тарзи ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини комплекс баҳолаш, юзага чиқадиган ҳолатларларни ташхислаш ҳамда даволашнинг турли усулларини такомиллаштириш, айниқса, уларда кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзусига бағишланган илмий-тиббий нашрлар таҳлили шуни кўрсатдики, бир ёшдаги болалар, уларнинг саломатлик ҳолати ижтимоий-гигиеник омиллар аҳамиятини инобатга олган илмий изланишларнинг асосий объекти бўлиб келмоқда (Умарова З.С., Касимова Н.А., 2011; Байков Ю.М. 2018, Баранов А.А. 2019; Milstone A.M. et al., 2015; Hollowell J. et al., 2017).

Хорижий ва маҳаллий муаллифлар болалар жисмоний ривожланиши ва овқатланишини яхшилаш муаммолари ечими борасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб бормоқда (Ахмедова Д.И. ва ҳаммуалл., 2013, 2018, 2020; Алимов А.В., Туйчиев Л.Н., Ахмедова Д.И., 2015; Ахмедова Д.И., Ашурова Д.Т., 2019–2020; Агзамова Ш.А., 2018–2019). Фарғона водийсида ҳаётнинг дастлабки 7 йилидаги болаларнинг касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра қишлоқ болаларининг ҳаётлари дастлабки уч йилидаги касалланиши (Авезова Г.С., 2012) болалар ўлимининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади (Рахимжонов Ш. 2005).

Бир ёшдаги болалар касалланиши ва ўлимини камайтириш мақсадида амалга ошириладиган даволаш-профилактика ишларида илмий асосланган технологиялар таъсирини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

педиатрлар диққат марказида бўлиб келмоқда. Шунингдек, J.W.Anderson (2017), L.A.Hanson (2017), C.Williams et al. (2016); M.J.Bryan (2016); L.J.Horwood et al. (2016); A.Lucas et al. (2016) тадқиқотларида ҳар хил турдаги парвариш ва озиклантириш самарадорлиги, уларнинг болалар жисмоний ривожланиши ва соғлиғига таъсирини комплекс баҳоланган.

Бир ёшдаги болаларнинг соғлиғи ва табақалаштирилган тиббий ёрдамни яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган даволаш-профилактика ва ташкилий-услубий тадбирлар таҳлили ҳамда шу йўналишдаги тадқиқотларнинг етарли эмаслиги ушбу тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01980006703 рақамли «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш усуллари тақомиллаштириш» (2018–2020) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бир ёшдаги болалар саломатлиги, турмуш тарзи ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини баҳолаш ҳамда унинг ташкилий жиҳатларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир ёшдаги болаларга тиббий-ижтимоий омиллар комплекси, турмуш тарзи ва шароити, тиббий хизмат кўрсатиш сифати таъсирини аниқлаш;

бир ёшдаги болалар жисмоний ва психомотор ривожланиши хусусиятларини аниқлаш;

бир ёшдаги болалар касалланиш даражаси ва тузилмасининг жинс ва индивидуал ёш гуруҳларига хос хусусиятларини аниқлаш;

бир ёшдаги болалар ўлими сабабларининг ёш ва жинсга хос хусусиятларини аниқлаш;

бир ёшдаги болаларда касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш бўйича тақомиллаштирилган даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017–2018 йилларда Тошкент шаҳри Миробод, Яшнообод, Юнусобод ва Шайхонтохур туманлари 1-, 28-, 56- ва 23-сон оилавий поликлиникаларда назоратда бўлган бир ёшдаги 1526 нафар бола олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб бир ёшдаги болалар саломатлиги (жисмоний ривожланиш, касалланиш, ўлим), турмуш тарзи ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда замонавий эпидемиологик, ижтимоий-гигиеник, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир ёшдаги болаларнинг касалланиш ва ўлимнинг етакчи сабаблари тузилмаси ва даражаси 4 та муҳим (F–1: ижтимоий; F–2: онанинг касалланиш даражаси; F–3: ижтимоий-психологик ҳамда F–4: ҳаётнинг иқтисодий

даражаси) омиллар кўрсаткичлари ортишига тўғри пропорционал боғлиқлиги исботланган;

бир ёшдаги болаларнинг касалланиш (нафас олиш аъзолари тизими касалликлари, перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлар ва туғма аномалиялар) даражаси билан жисмоний ва психомотор ривожланиш кўрсаткичлари орасида корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

бир ёшдаги болалар ўлимининг асосий сабаблари нафас олиш йўллари касалликлари, ҳомила ичида ривожланишдаги ҳолатлар, туғма аномалиялар, аёллар ҳомиладорлик давридаги касалланиш ва уларнинг аёллар маслаҳатхонасида мунтазам кузатуви йўқлиги билан боғлиқлиги аниқланган;

бир ёшдаги болалар жинсидан қатъи назар, антропометрик ўлчамлари, тана вазни ва ёши/бўйи бўйича кўрсаткичлар даражаси (0–6 ойликда – 1СО – + 2СО– оралиғида, 6 ойдан 12 ойгача – –2СО – + 1СО оралиғида) ЖССТ томонидан тавсия этилган ўсиш ва ривожланиш стандартларига мос келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болалар касалланиши, жисмоний ривожланиш даражаси, ўлими сабаби, шунингдек, болалар саломатлиги кўрсаткичларига турмуш тарзи омилларининг таъсири асосланган;

бир ёшдаги болаларда диспансер кузатуви ва хавф омилларини камайтириш чора-тадбирларини такомиллаштириш усули ишлаб чиқилган;

бир ёшдаги болалар учун соғлиғини сақлашга қаратилган дифференциал ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги қиёсий баҳоланган;

бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш даражасида соғлиқни қўллаб-қувватловчи профилактика ишларининг илмий асосланган алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга замонавий компьютер технологиялари қўллаб ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий адабиётлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулосалар ва олинган натижалар исботланган тиббиёт тамойилларига асосланганлиги ва уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишонччилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бир ёшдаги болалар саломатлиги, турмуш тарзи ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини комплекс интеграл баҳолаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратиши; болалар касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг етакчи сабаблари тузилмаси ва даражаси F–1: ижтимоий; F–2: онанинг касалланиш даражаси; F–3: ижтимоий-психологик ҳамда F–4: ҳаётнинг иқтисодий даражаси каби омилларга тўғри пропорционал боғлиқлиги исботланганлиги, болалар

ўлимнинг асосий сабаблари сифатида нафас олиш йўллари касалликлари, перинатал даврдаги баъзи ҳолатлар, туғма аномалиялар аниқланганлиги болалар саломатлиги ҳолати патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бир ёшдаги болалар саломатлиги, турмуш тарзи ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини аниқлаш болалар касалланиши, жисмоний ривожланиш даражаси, ўлими сабаби, шунингдек, болалар саломатлиги кўрсаткичларига турмуш тарзи омилларининг таъсири; ишлаб чиқилган диспансер кузатуви ва хавф омилларини камайтириш бўйича чора-тадбирларларни такомиллаштириш усули ва уларнинг татбиқ этилганлиги ҳамда ишлаб чиқилган бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш даражасида соғлиқни қўллаб-қувватловчи профилактика ишларининг илмий асосланган алгоритми болаларни соғломлаштириш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бир ёшдаги болалар саломатлиги, турмуш тарзи ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини комплекс интеграл баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бир ёшдаги болаларнинг диспансер кузатуви ва соғлиқ учун хавф омилларини минималлаштириш бўйича ишларни оптималлаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 8н-д/111-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларни кўкрак сути билан озиклантириш даражасини сезиларли ошириш, оқилона парваришни таъминлаш ҳамда ҳаётининг биринчи йилидаги касалланиш ва ўлим ҳолатларини камайтириш имконини берган;

болалар ҳаётининг биринчи йилидаги соғлиғи, турмуш тарзи ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини комплекс интеграл баҳолаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 52-сон оилавий поликлика ва Андижон вилояти Пахтабод тумани тиббиёт бирлашмаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 февралдаги 8н-з/40-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари бирламчи тиббий-санитария ёрдами шароитида болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш сифатини яхшилаш, бир ёшдаги болаларнинг касалланиш ва ўлим ҳолатларини 1,5 баравар камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш,

олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Саломатлик хусусиятлари ва болаларга тиббий ёрдамни ташкил этиш (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида мазкур муаммонинг долзарб ҳолати таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Текширилган болалар тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотни амалга ошириш усуллари батафсил таърифланган, олинган натижалар ишончлилигини оширадиган зарур математик ва статистик кўрсаткичлардан фойдаланишни асослаш бўйича маълумотлар баён этилган. Тадқиқотлар Тошкент шаҳрининг тўртта тумани: Миробод, Яшнообод, Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманлари ҳудудида жойлашган оилавий поликлиникаларда (1, 28, 56, 23-сон) ялпи усулда ўтказилди. Жами бир ёшдаги 1526 нафар боланинг маълумотлари таҳлил қилинди.

Вафот этган болалар маълумотларини ўрганиш манбаи бўлиб қуйидагилар хизмат қилди: перинатал ўлим тўғрисида тиббий маълумотнома (106-2-шакл), вафот этганлиги тўғрисида шифокор гувоҳномаси (106-шакл), ўлим тўғрисида хабарнома, чақалоқнинг ривожланиш тарихи (112-шакл), патологоанатомик аутопсия журнали (013-1-шакл) ва аутопсия баённомаси. Ҳар бир ўлимнинг сабабини аниқлаш учун эксперт хулосалари ўтказилди, шундан кейингина болалар ўлими натижалари махсус ишлаб чиқилган «Болалар ўлими сабабларини ўрганиш карталари»га киритилди. Болаларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

Болаларнинг ўртача ёши $5,9 \pm 0,087$ ойни ташкил этди, шундан қизларнинг улуши 47,4%, ўғил болалар улуши – 52,6% тенг бўлди. Жисмоний ривожланиш ва унинг уйғунлик даражаси ЖССТ стандартларига мувофиқ динамикада баҳоланди (МИЭР/ЖССТ – 2006).

Болаларнинг психомотор ривожланиши Америка Педиатрия Академияси томонидан ишлаб чиқилган CAT/CLAMS скрининг шкаласи (The Clinical Adaptive Test/Clinical Linguistic and Auditory Milestone Scale) бўйича ривожланиш коэффициенти (ПК: фоизда ифодаланган CAT/CLAMS шкаласи бўйича аниқланган ривожланганлик ёши ва чин ёшини ўзаро нисбати) ҳисобланиши оққали аниқланди.

**Бир ёшгача болаларнинг ёши ва жинсига оид маълумотлар тавсифи
(n=1526)**

Ойлар	Ўғил болалар		Қиз болалар		Жами	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
1	115	71,4	46	28,6	161	10,6
2	86	71,1	35	28,9	121	7,9
3	56	33,5	111	66,5	167	10,9
4	69	46,0	81	54,0	150	9,8
5	57	44,9	70	55,1	127	8,3
6	52	43,0	69	57,0	121	7,9
7	109	63,0	64	37,0	173	11,3
8	52	37,7	86	62,3	138	9,0
9	63	57,8	46	42,2	109	7,1
10	75	72,1	29	27,9	104	6,8
11	29	46,0	34	54,0	63	4,1
12	40	43,5	52	56,5	92	6,0
Жами	803	52,6	723	47,4	1526	100

Тадқиқот материалларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёнида далилларга асосланган тиббиёт ҳамда вариацион статистика тамойиллари ва методологиялари, хусусан, ўртача хато (m), ишонч коэффициенти (t) ва хато эҳтимоллари (p), жуфт корреляция коэффициенти, мувофиқлик кўрсаткичини χ^2 ҳисоблаш билан нисбий ва ўртача қийматларни ҳисоблаш қўлланилди.

Диссертациянинг «**Тиббий-ижтимоий омиллар, турмуш шароитлари ва тарзи, бир ёшдаги болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати мажмуаси**» деб номланган учинчи бобида ўрганилаётган болалар контингенти учун турмуш шароити ва тарзи, тиббий ёрдам кўрсатиш сифати омиллари мажмуи таҳлилга тортилган. Ижтимоий-гигиеник омиллар, оилаларнинг турмуш шароитлари ва яшаш тарзи ўрганилганда оналарнинг 40,0%и олий (1526 дан 611 нафари), 9,8%и (1526 дан 149 нафари) умумий ўрта ва ўрта махсус маълумотли, 42,4%и (1526 дан 647 нафари) тўлиқ бўлмаган олий, 7,8%и (1526 дан 119 нафари) бошланғич маълумотга эгаллиги аниқланди. Болалар оналарининг 38,3%и ишчилар, 28,7%и хизматчилар, ҳар учинчи аёл уй бекаси эди.

Боланинг саломатлиги, ижтимоий интеграцияси ва шахсини шакллантиришда оила катта аҳамиятга эга. 88,9% ҳолатда оила тўлиқлиги қайд этилди (1526 дан 1356 та), тўлиқ бўлмаган оила – 11,1% (170 та)ни ташкил этди. Оила таркиби кўп ҳолларда 5 киши ва ундан кўп кишидан иборат бўлди (30,2%; 1526 та оиладан 461 таси). Уй-жой шароитлари тўғрисидаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, оилаларнинг 43,6%и уй ёки квартиранинг бир қисмида яшайди, 29,0%и (1526 дан 442 таси) алоҳида квартираларда, 27,4%и (418) алоҳида хусусий уйда яшайди. Шунингдек, биз соғлиғи бузилган, ногирон ва вафот этган болалар оилалари 2,5 баравар кўпроқ ноқулай маиший шароитларда яшашларини аниқладик (яшаш

майдони етарли эмаслиги, қулайликлар йўқлиги, ногирон учун алоҳида хона мавжуд эмаслиги).

Ота-оналар ўртасидаги ёмон ва ҳар доим ҳам тинч бўлмаган муносабатлар 76,1% оилаларда қайд этилди (1526 дан 1162 таси). Оилаларнинг 3,2 фоизида (1526 кишидан 49 нафари) низолар ва оила аъзолари ўртасидаги турли жанжаллар кўп учрайдиган ҳодиса бўлган, 72,9% (1526 дан 113 нафар) респондентларнинг таъкидлашича, баъзида ўз оилаларида жанжаллар, низоли вазиятлар юзага келиб туришини қайд этдилар. 12,8% (195 та) оилаларда ота-оналар кўпинча спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, уларнинг 98,8% ини оталар ташкил этиши аниқланди. Оилалардаги жанжал ва низолар кўп ҳолларда моддий қийинчиликлар (51,9%) ва уй-жой муаммолари (19,8%) туфайли юзага келган. Ҳар бешинчи оилада жанжал ва можаролар эрининг спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиши туфайли келиб чиққан. Шунингдек, ҳар тўртинчи (25,6%) оилада оптимизм ва касалликнинг ижобий натижасига ишонч бор.

Ота-оналар ва болаларнинг соғлиғини сақлаш учун жисмоний фаоллик нафақат ота-оналар, балки бола учун ҳам катта аҳамиятга эга. Оилаларнинг ярмидан кўпи (51%) нинг ота-оналари эрталабки жисмоний машқлар ва жисмоний тарбия билан шуғулланмайди, ярмидан кўпи (52%) овқатланиш режимига риоя қилмайди, ота-оналарнинг 2/3 қисми дам олиш режимига риоя қилмайди, бўш вақтларини нотўғри ташкил қилади, ҳаётнинг биринчи ёшидаги болаларининг таълим-тарбияси ва парваришига етарлича вақт ажратмайди.

Болаларни парвариш қилиш 75,3% (1149 нафар) ҳолатда – онаси, 18,0% – буvisи (275 нафар), 2,8% – энага (42 нафар) томонидан амалга оширилади, бошқа қолган ҳолатларда оталар ёки бувалар томонидан бажарилади. Шундай қилиб, биз ота-оналарнинг атиги 14,1%и ўз фарзандлари билан махсус жисмоний тарбия машғулотларини олиб боришини аниқладик, ота-оналарнинг 51,6%и ўз фарзандлари билан эрталабки бадантарбия машқларни бажарадилар, ота-оналарнинг 63,8%и ҳаво ванналари ва артинишларни ўтказди.

Бир ёшдаги болаларнинг 76,9% (1174 нафари) табиий она сути билан озиқланиши, шундан болаларнинг 38,7%и 6 ойгача, 38,23%и эса 12 ойгача кўкрак сути билан озиқланганлиги аниқланди. Қуйидагилар кўкрак сути билан боқишни тўхтатиш сабаблари бўлган: 18,8% ҳолатда (287 нафар) она сути етарли эмаслиги, 4,3% ида (65 нафар) боланинг эмишдан бош тортиши, 6,4% ида (97 нафар) оналар бир ёшдаги болалар эмизишни ихтиёрий деб ҳисоблашган. Болаларнинг 19,5% ида 1 ойликдан бошлаб, 38,9% ҳолатда 6 ойликдан бошлаб кўшимча овқатлар берилиши бошланган.

Оила учун адекват соғломлаштирувчи функцияларни бажариш учун ота-оналар боланинг соғлиғи тўғрисида тўғри тушунчага эга бўлишлари муҳим. 70,1% ота-оналар фарзандларининг соғлиғи тўғрисида маълумотни, асосан, шифокордан, 7,5% – ҳамширадан, 20,6% – боланинг тиббий маълумотномаси, шунингдек, махсус адабиётлар ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ), Интернет, таниш-билишлар каби манбалардан олишган.

Бинобарин, оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш маданиятини тарқатишда, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш, касалликларнинг олдини олишни тарғиб қилишда катта ёрдам бериши мумкин. Кенг маънода бу аҳоли ўртасида нафақат ўзларининг соғлиғига, балки келажақдаги фарзандларининг соғлиғига ҳам онгли муносабатни ривожлантириш борасидаги ишларга эътибор қаратиш лозим.

Тиббий ва ижтимоий хавф омиллари тарқалиши ўрганилганда, бир ёшдаги болаларнинг соғлиғи бузилган oilаларда туғиш пайтида сурункали соматик ва гинекологик касалликларга чалинган оналарнинг улуши нисбатан юқорилиги қайд этилди.

Фактор таҳлиллари асосида ҳар бир омиллар мажмуаси учун йиғма қиймати 97,5%, 84,3%, 77,8% ва 76,7% тенг бўлган энг муҳим 4 та омил аниқланди: F-1: ижтимоий, F-2: онанинг касалланиш даражаси, F-3: ижтимоий-психологик ва F-4: ҳаётнинг иқтисодий даражаси омили. Булар таркибий омиллар таъсири улушини олдиндан аниқлаш имконини беради (F-1: «oilадаги фаровонлик даражаси» – ОШ = 2,3, «ота-оналарнинг таълим сифати» – ОШ = 3,4, «яшаш шароитлари сифати» – ОШ = 2,8, «озикланиш сифати» – ОШ = 3,2, «тиббий ёрдам кўрсатиш сифати» – ОШ = 3,1; F-2: «экстрагенитал касалликлар ва оналик патологиясининг сурункали шакллари» – ОШ = 2,9, «асоратланган акушерлик анамнези» – ОШ = 3,6, «оғирлашган ирсият» – ОШ = 3,5; F-3: «қиймат ориентацияси» – ОШ = 2,3, «oilавий муносабат» – ОШ = 2,2, «одатлар» – ОШ = 2,5, «мотивациялар» – ОШ = 3,7; F-4: «oilавий даромадлар ва харажатлар таркиби» – ОШ = 3,5).

Туғруқхонадан чиққандан кейинги дастлабки 3 кун ичида янги туғилган чақалоқларнинг уйларига амалиёт шифокорлари томонидан ташрифлар 94,9% ни ташкил қилади. Биз ота-оналардан тиббий хизматлар мавжудлигини 10 баллик тизимда баҳолашни сўрадик. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

Тиббий хизматлар мавжудлигини 10 баллик тизимда баҳолаш, ўртача балл

Тиббий ёрдам тури	ОП – 1	ОП – 28	ОП – 56	ОП – 23
Ўз вақтида лаборатор-диагностика текширувини ўтказиш имкони	7,3±0,02	6,5±0,02	7,5±0,02	7,2±0,01
Ўз вақтида УАШ-педиатр томонидан малакали ёрдам олиш барчага баробарлиги (осонлиги)	6,7±0,01	7,4±0,01	6,9±0,01	6,5±0,01
Ўз вақтида УАШ томонидан малакали ёрдам олиш барчага баробарлиги (осонлиги)	5,7±0,03	6,3±0,01	6,0±0,01	5,9±0,03
УАШ томонидан маслаҳат (консултатив) ёрдам олиш барчага баробарлиги (осонлиги)	5,5±0,02	5,4±0,01	6,3±0,03	6,1±0,01
Зарурат бўлганда ўз вақтида госпитализация қилиниш имкони	7,7±0,02	6,1±0,02	7,8±0,02	7,2±0,03
Касаллик ҳолатларида болалар парваришига оид масалалар юзасидан маълумот олиш	7,2±0,01	6,9±0,02	7,1±0,02	7,1±0,02

Респондентлар поликлиникалар хизмат кўрсатиладиган ҳудудларда УАШлари томонидан ўз вақтида малакали ва маслаҳат ёрдами етарли эмаслигини таъкидладилар, шунинг учун баллар 5,4 дан 6,3 гачани ташкил этди. Ота-оналар «Зарурат бўлганда ўз вақтида госпитализация қилиниш имкони» бўлимига энг юқори баҳо беришди – ОП – 1 да 7,7 ва ОП – 56 да 7,8.

Биобарин, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ОП шароитида бир ёшдаги болаларга тиббий ёрдамнинг ташкил этилишига жиддий эътибор беришлари керак. Санитария-маориф ишлар етарли даражада эмаслиги натижасида баъзи оналар янги туғилган чақалоқларни парваришlash ва озиклантириш билан боғлиқ барча масалаларда ўзларини етарлича хабардор ва тайёр деб ҳисоблашмаган. Оналарга боласини чўмилтириш қоидалари, кўкрак сутини соғиб олиш техникаси ва ҳоказоларни ўргатишга етарлича эътибор берилмаган.

Оналарга янги туғилган болаларни боқиш ва уларга ғамхўрлик қилиш, парваришlash бўйича тренингларни ташкил этишда аниқланган камчиликлар оилавий поликлиникаларнинг ушбу болаларнинг оилалари билан ишлаш шакллари ва усулларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг «**Бир ёшдаги болаларнинг жисмоний ва психомотор ривожланиши хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида Тошкент шаҳрида бир ёшдаги болалар жисмоний ривожланишининг ёш-жинс хусусиятлари таърифланган. Биз томонимиздан болалар жисмоний ривожланиши таҳлил қилинганда, туғилиш пайтида ўртача тана вазни $3437,8 \pm 391,1$ г, тана узунлиги – $50,3 \pm 1,1$ см, вазн-бўй индекси (ВБИ) – $13,7 \pm 1,6$ эканлиги аниқланди. Мазкур кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, туғилиш пайтида болаларнинг 92,3% (1526 дан 1409 нафари)да вазн ва тана узунлиги кўрсаткичлари, ВБИ меъёрий кўрсаткичларга тўғри келади.

Туғилганда қизларнинг тана вазни ўртача $3,43 \pm 0,04$ кг, тана узунлиги $50,3 \pm 0,1$ см, ВБИ $13,3 \pm 0,2$ кг/м² ташкил этди, яъни барча кўрсаткичлар меъёрий кўрсаткичларга мос. 4 ойдан бошлаб вазн кўпайишининг пасайиши бошланади, 10 ойликдан бошлаб вазн ортиши яхшиланади, бу ёшда қизларда ўртача вазн кўрсаткичи $8,5 \pm 0,05$ кг, 11 ойда $9,0 \pm 0,06$ кг ни ташкил этди. Кўрсаткичларнинг ушбу динамикасида барча ёшдаги қизларнинг умумий популяциясидаги ўртача вазн кўрсаткичлари ЖССТ стандартларига мувофиқ ёшга оид меъёрга тўғри келди.

Тана узунлиги кўрсаткичларининг динамикаси аслида бир хил. Кўпгина ёш босқичларида бир ёшдаги болалар тана узунлигининг кўрсаткичи ёшга мос келиши аниқланди. Ўртача ВБИ кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, умумий популяцияда қизларнинг барча ёшдаги босқичларида бир ёшга қадар ривожланиши уйғун ва меъёрий кўрсаткичларга мос келади, бунда 8 ойлик қизлар истисно бўлди, уларнинг ўртача кўрсаткичлари ($15,3 \pm 0,07$ кг/м²) диапазонга мос келди, улардаги камайиш протеин-энергия етишмовчилиги билан баҳоланди.

Антропометрик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўғил болаларда бир ойликкача ўртача вазн кўрсаткичлари стандарт кўрсаткичлар оралиғида бўлган, кейинги ёш босқичларида худди

шундай тенденция сақланиб қолган, 12 ойлик кўрсаткичлар бундан мустасно, бунда кўрсаткич $9,6\pm 0,05$ кг ни ташкил этди ва меъерий кўрсаткичларга нисбатан бироз камайганлиги аниқланди (3-жадвал). Олинган маълумотларни умумлаштириб, биз ЖССТ ўсиш эгри чизиклари ёрдамида болаларнинг тана вазни, бўйи ва ривожланишини туғилиш пайтидаги стандарт оғиш оралиғига нисбати фоизларда ўрганиб чиқдик ва болаларнинг ўсиши ва ривожланишидаги оғишларни аниқладик. « $(-2CO-(+2CO))$ » диапазонидаги тана массаси кўрсаткичлари ЖССТ стандартларига мувофиқ меъёр деб ҳисобланади, $+2CO$ дан юқори ва $+3CO$ гача – юқори ёки ортиқча вазн, $+3CO$ дан юқори – семизлик деб ҳисобланади.

3-жадвал

Бир ёшдаги ўғил болалар жисмоний ривожланиши кўрсаткичлари

Т/р	Ёши	Ўғил болалар(n=803)		
		Тана вазни, кг	Тана узунлиги/бўйи, см	ТВИ, кг/м ²
1	Туғилганда	$3,48\pm 0,04$	$51,44\pm 0,18$	$13,07\pm 0,06$
2	1 ой	$4,5\pm 0,04$	$55,6\pm 0,16$	$14,6\pm 0,07$
3	2 ой	$4,9\pm 0,06$	$58,3\pm 0,2$	$15,2\pm 0,06$
4	3 ой	$5,2\pm 0,05$	$63,2\pm 0,15$	$15,6\pm 0,07$
5	4 ой	$6,2\pm 0,04$	$63,8\pm 0,17$	$15,2\pm 0,06$
6	5 ой	$6,8\pm 0,05$	$65,0\pm 0,16$	$16,3\pm 0,07$
7	6 ой	$7,4\pm 0,06$	$67,3\pm 0,18$	$16,3\pm 0,06$
8	7 ой	$7,6\pm 0,06$	$68,2\pm 0,14$	$17,3\pm 0,07$
9	8 ой	$7,8\pm 0,05$	$69,8\pm 0,16$	$17,2\pm 0,07$
10	9 ой	$8,0\pm 0,04$	$71,2\pm 0,17$	$17,8\pm 0,08$
11	10 ой	$9,2\pm 0,04$	$72,6\pm 0,16$	$17,4\pm 0,09$
12	11 ой	$9,4\pm 0,05$	$74,1\pm 0,18$	$17,1\pm 0,08$
13	12 ой	$9,62\pm 0,05$	$75,7\pm 0,16$	$16,78\pm 0,07$

3-жадвалдан кўриниб турибдики, қизларнинг туғилишида аксарият ҳолларда тана массаси кўрсаткичлари 93,4% да ўсиш суръатларига тўғри келади. Тана вазни бўйича ёшга қараб овқатланишнинг бузилишлари орасида вазн камлиги 1,2% ни ташкил этди. Қарама-қарши кўриниш оғирликнинг ошишига томон бурилишида кузатилди – 5,6%. Бир ёшга тўлгандаги натижалар аслида вазият сақланиб турганлигини кўрсатди: ЖССТ стандартларига мос келадиган тана вазнига эга 12 ойлик болаларнинг улуши 91,2% ни ташкил қилади. $-3CO$ дан кам бўлган тана массасининг паст кўрсаткичлари 1,7% ва 5,0% қизларда қайд этилди.

Оғирлик кўрсаткичлари диапазони $-2CO$ дан паст бўлган кўрсаткичлар туғилиш пайтида ўғил болаларнинг 2,6% ва 1,3% ларида учраши аниқланди. Ўзгаришларнинг ижобий динамикаси 12 ойлик ўғил болалар орасида кузатилган. Шундай қилиб, нормал вазн кўрсаткичлари билан ўғил болаларнинг сони кўпайиши иккала кўрсаткичнинг $-2CO$ дан паст (2,6% дан 1,8% гача) ва $+2CO$ дан юқори (5,8 дан 4,6% гача) пасайиши сабаб бўлди. Илк ёшдаги болаларнинг озиқланиш ҳолати кўрсаткичларининг энг асосийси бу паст бўйлик ва бўй чўзилишининг кечикишидир (маълум бир ёш учун

паст бўйлик). Бўй чўзилишининг кечикиши бу – суяк тизими ривожланишининг секинлашиши натижаси. Умуман олганда, у сурункали жараёни акс эттиради ва сурункали тўйиб овқатланмаслик кўрсаткичи сифатида ишлатилади.

Жисмоний ривожланиш соҳасидаги базавий вазиятни, хусусан, ёшга қараб тана узунлиги кўрсаткичи бўйича баҳолаш шуни кўрсатдики, туғилиш пайтида қизларнинг 36,5% ида ЖССТ тавсиялари бўйича тана узунлиги нормал кўрсаткичларга тўғри келади, бунда узун бўйлик 34,2% ва жуда узун бўйлик – қизларнинг 3,3% ида кузатилади. Туғилганда қизларнинг 29,3% ида паст бўй кўрсаткичлари қайд этилган.

Динамикада 12-ойга келиб ЖССТ ўсиш стандартларига мос келадиган тана узунлиги кўрсаткичига эга бўлган қизлар нисбати 51,9% гача ўсди. Тана узунлигининг кўрсаткичлари 29,3% дан 13,9% гача бўлган диапазонда пастга қараб оғиши кузатилди. Қизларнинг 34,2% узун бўйлик сақланиб қолди. Туғилганда тана узунлиги ЖССТ стандартларига тўғри келадиган ўғил болалар 90,8%, узун бўйлик – 6,4% ни ташкил этди. 8,9% ўғил болаларнинг бўйи пастлиги аниқланди. Кузатув динамикасида ўғил болаларнинг 12 ойлик бўлганда ўсиш динамикаси қуйидаги характерга эга бўлди: нормал кўрсаткичлар 80,5% да, 2,1% га паст бўйлик болалар кўпайиши диапазон «(-3СО) – (-2СО)» ва тана узунлигининг юқори кўрсаткичларига эга болалар 0,4% га камайиши ҳисобига (+2СО) – (+3СО). Болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолашнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, туғилиш пайтида ВБИ ЖССТ стандартларига мувофиқ ўсиш суръатларига мос келади «(-1СО) – (+1СО)»: қизлар учун – 85,8 % ни ташкил этади.

Енги даражали БЭНП (диапазон «(-2СО) – (-1СО)») ривожланиш бўйича хавфи бор гуруҳни қизларнинг 6,6%и ташкил этди, мўътадил даражали БЭНП (диапазон «(-3СО) – (-2СО)») – 1,2% қизларда аниқланди. Ориқлаш қизлар орасида аниқланмади. Туғилиш пайтида семизлик унчалик аҳамиятга эга бўлмади, аммо шунга қарамай, қиз болаларнинг 1,2% ида кузатилди.

12 ойлик ёшдаги ВБИ 71,9% болада ЖССТ стандартларига тўғри келди. БЭНП хавфи кўп ҳолларда 8,2% ни ташкил этди. Мўътадил даражадаги БЭНП улуши 5,5% бўлди. Ҳаддан ташқари ортиқча вазнининг ривожланиш хавфига мос келадиган юқори кўрсаткичлар қизларнинг 12,2 фоизида қайд этилди. Шундай қилиб, мазкур ёшдаги тана массаси индексининг динамикаси мониторингини таққослаш таҳлили шуни кўрсатадики, қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам ушбу кўрсаткич бўйича аниқ оғишларга эга эмас, аслида болаларнинг 90 ва ундан кўп фоизида тана вазни ЖССТ стандартларига мос.

Ҳаракатлар (моторли) ривожланишини баҳолаш болалар томонидан босқичларига (олтита асосий босқич) етиб борганда (мотор ютуқлар) амалга оширилади, олинган маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

Қўпол моторика кўникмаларининг кечикиши кўпинча соғлиғи бузилган болаларда ишончли тарзда кузатилган, бундан ташқари соғлиқ гуруҳининг оғирлашиши билан бу яққолроқ ифодаланган. Шунингдек, 6 ойлик ёшга

келиб болаларнинг 23,5% ида нутқ ривожланиш коэффициенти стандарт кийматларга етиб бормаганлигини аниқланди. 12 ойлик ёшга келиб 21,5% болалар нутқи ривожланишида сезиларли кечикиш қайд этилди, бу 61,1–66,7% оралиғида нутқ РКни ташкил этди.

4-жадвал

Ёшига кўра болаларнинг 6 та асосий босқич бўйича кўпол моторли ривожланишга мос келиши (%)

Ёшига нисбатан ютуқлар	1-гурух		2-гурух		3, 4, 5-гурухлар	
	Мос	Мос эмас	Мос	Мос эмас	Мос	Мос эмас
Мустақил юради	90	10	70	30	45**	55*
Мустақил тура олади	95	5	72	28	51**	49*
Кўлидан ушлаганда юради	94	6	69	31	48**	52*
Эмаклайди	88	12	75	25	39**	61*
Мустақил ўтира олади	89	11	62	38	51**	49*

Изоҳ: * – 1 гуруҳга нисбатан маълумотлар ишончилиги ($P < 0,05$).

